

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТОЕВ БАХТИЁР ҚЎЛДОШЕВИЧ

**НАВ–ТУПРОҚ–ЎҒИТ ТИЗИМИДА КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ
ЎҒИТЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on
agricultural sciences**

Атоев Бахтиёр Қўлдошев

Нав–тупроқ–ўғит тизимида кузги буғдой навларини ўғитлаш
технологияси самарадорлигини баҳолаш..... 3

Атоев Бахтияр Кулдошев

Оценка эффективности технологии применения удобрений под озимые
сорта пшеницы в системе сорт–почва–удобрение..... 27

Atoev Bakhtiyor Kuldoshevich

To estimate the effectiveness of fertilizing technology of autumnal wheat sorts
in the system of sort–soil–fertilizer..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТОЕВ БАХТИЁР ҚЎЛДОШЕВИЧ

**НАВ–ТУПРОҚ–ЎҒИТ ТИЗИМИДА КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ
ЎҒИТЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

06.01.04 – Агрокимё

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сатторов Джўракул Сатторович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Ниязалиев Бегали Ирисалиевич,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Сиддиқов Равшанбек Иномжонович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Санақулов Акмал Лапасович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871)246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалигида ғаллачиликнинг асосий йўналишлари ресурс ва энергиятежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратилган. Буғдой навлари жаҳоннинг 130 га яқин мамлакатларда етиштирилмоқда. Энг кўп буғдой етиштирилиб, экспорт қилаётган Россия, Германия, Франция, Аргентина, Канада, АҚШ мамлакатлари ҳисобланади¹. Кейинги пайтда дунё аҳолиси сонининг ўсиши, турли тупроқ-иқлим шароитларидаги салбий ўзгаришлар, ғалла экин майдонларининг қисқариб бориши буғдой ҳосили салмоғининг пасайишига ва жаҳон бозорида ғалла нархини кўтарилишига таъсир кўрсатмоқда. Буғдой ҳосилдорлигини кўтаришда, мавжуд экин майдонларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш билан бир каторда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё ғаллачилиги амалиётида буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил шакллантиришда асосан тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиш, ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик омилларига чидамли сермахсул, сифатли навларни яратиш, навнинг йилма-йил навдорлик белги хусусиятларини муқобил ҳолатда ушлаб туриш, ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мос экин экиш, тупроқда озика элементлар тақчил шароитда биомасса кўп тўплаши учун навнинг потенциаллигини ошириш, тупроқ ва ўсимлик орасидаги намлик мувозанатини сақлаш, ўғитларни ўсимлик озикланиш талабига мослаб ишлаб чиқариш, уларни мақбул муддат ва меъёрларда ўғит қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида суғориладиган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш, аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида суғориладиган тупроқларда ғалла ҳосилдорлигининг ошиши ва дон сифатини яхшиланиши ҳисобига навнинг потенциал имкониятидан фойдаланишга эришилмоқда. Шу билан биргаликда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос навларни тўғри жойлаштириш, кузги буғдой навлари учун мақбул ўғит меъёрларини аниқлаш, минерал ўғитларни мақбул муддат ва меъёрда табақалаштириб қўллашнинг замонавий агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мутассил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хафсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

¹ <http://www.fao/worldfoodsituation/csdb/ru>.

янада яхшилаш, ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам турли тупроқ–иқлим шароитларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш, юқори ҳосил озиқ муҳитини аниқлаш, қўлланиладиган ўғитларнинг самарадорлигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил шакллантирадиган ўғитларни қўллаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ–4947–сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03–12–7 сон «2017–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора–тадбирлар Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Кузги буғдой навларини тупроқ–иқлим шароитига мос ҳолда танлаш ва юқори дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида жумладан, Cambridge Plant Breeding Institute (Буюк Биртания), Washington State University (АҚШ), The University of Sidney (Австралия), University of Hohenheim (Германия), Food and Agricultural Organization of the United Nations (Италия), Кубан Давлат аграр университети (Россия), Қозоғистон миллий аграр университетида (Қозоғистон), Дон ва дуккакли экинлар ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий–тадқиқот институтларида (Ўзбекистонда) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кузги буғдой етиштириш агротехнологияларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган: кузги (қишки) ва қаттиқ буғдой навларининг дон ҳосилдорлигига, дон сифатига, айниқса оқсил, клейковина миқдори юқори бўлишига, навнинг биологик, генетик хусусиятларига, агротехнологик тадбирларга боғлиқлиги аниқланган (Washington State University); навнинг биологик ва экологик хусусиятларига мос етиштириш агротехнологик тадбирлар қўлланилганда юқори дон ҳосили аниқланган (University of Hohenheim); дон таркибида оқсил, айниқса клейковина миқдорининг

² www.cimmyt.org/food-security

ўзгариши ва доннинг физик–технологик сифатига таъсири аниқланган (International Center For Agricultural Research in the Dry Areas, International Maize and Wheat Improvement Center); ҳаракатчан азот билан юқори даражада таъминланган тупроқларда қишки (кузги) ва қаттиқ буғдой навларидан юқори ҳосил ва оқсилга бой, ялтироқ дон ҳосили олинган (Кубан давлат аграр университети).

Бугунги кунда дунёнинг турли тупроқ–иқлим шароитларида, кузги (қишки) буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш бўйича бир қатор қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш; қурғоқчиликка, касалликка чидамли истикболли, серҳосил навларни яратиш; экиш меъёри ва муддатларини аниқлаш; мақбул озиклантириш тизимини яратиш; ўғитлар самарадорлигини ошириш агротехнологияларини такомиллаштириш; ресурс ва энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқ–иқлим шароитларида минерал ўғитлар қўллаб, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича Ф.Учеваткин, Р.Удачин, В.Ф.Мальцев, В.П.Лямцев, А.О.Омонов, Р.И.Сиддиқов, З.Ф.Зиядуллаев, А.Авлияқулов, М.Бекбўтаев, Р.Ш.Тиллаев, И.У.Эгамов, С.Н.Усмонов, Ғ.К.Қурбонов, Р.Х.Хусанов, Қ.Э.Эшмирзаев, Б.Ж.Азимов, Р.А.Тўраев, Н.В.Абрамов, У.В.Салова, М.М.Саримсоқов, П.Х.Бобомирзаев, Ш.Т.Холиқулов, З.К.Мўминова, С.О.Абдурахмонов, М.С.Мирзааҳмедов, Ж.Б.Худойқулов, Н.Ғ.Ёдгоров, Ш.Р.Мехмонов, З.Д.Холмуродова, Т.У.Атақулов, Н.М.Турдиева, Н.Махмудхўжаев, Н.Халилов, Т.Ўринбоев, Ш.З.Ҳакимов, Л.А.Мирзаев, Ю.А.Джуманиязова, Д.И.Убайдуллаева, Н.И.Ирназарова ва бошқа бир қатор олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Кузги (қишки) буғдойга ўғит қўллаб юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича чет эл олимларидан V.P.Abrol, O.H.Long, C.D.Sherbakoff, J.K.Neuberg, D.P.Ucklesby, S.S.Paterson, R.A.Richards, M.P.Reynolds, I.B.Delgado, R.A.Fishser ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, изланишлар натижалари илмий нашрларда чоп этилган.

Лекин ҳозирга қадар кузги буғдой навларининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ўғитларни қўллашда уларни самарадорлигини ошириш, ҳар бир тупроқ–иқлим шароитларига мос кузги буғдой навлари учун мақбул озиклантириш тизимини тўлиқ ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А–11.1.6 «Минерал ўғитлар ресурсларининг чегараланганлиги муносабати билан тупроқдаги озиқа модаларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш» (2003–2005 йй.), ЕА7–003 «Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдойга ўғит

қўллаш тизимини ишлаб–чиқишда навнинг генотипик хусусияларини ҳисобга олиш услубини яратиш» (2012–2013 йй.) ҳамда ЕА7–008 «Кузги буғдойга қўлланилаётган ўғитлаш ва суғориш агротехнологияларини мувофиқлаштириб ҳосил, ўғит ва сув самарадорлигини ошириш» (2014–2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий, сув–физик хоссалари ва механик таркибини аниқлаш, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосили ва дон сифатига ўғитларнинг таъсирини аниқлаш, ўғитлар самарадорлигини кўтариш, ҳар бир кузги буғдой нави учун мақбул ўғит меъёрларини ва уларни қўллаш муддатларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий ва сув–физик хоссалари, механик таркибини ўрганиш;

кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, озик моддалар тўплашига ўғитлар таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитлар меъёр ва нисбатини тупроқ хоссаларига ва кузги буғдой навининг кимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

нав хусусиятлари, тупроқ ва ўғит меъёрларини кузги буғдой ҳосили ўртасида кореллятив боғлиқликларни аниқлаш;

минерал ўғитлар таъсирида фотосинтез фаоллиги, ферментлар жадаллигининг ҳосилдорлик ўртасида боғлиқлигини ўрганиш;

минерал ўғитларнинг самарадорлигини кузги буғдой ҳосили билан таққослаш;

минерал озиклантириш орқали кузги буғдой дони, уни ва ноннинг сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини тадқиқ этиш;

ўғитларни табақалаб қўллаш асосида кузги буғдой навларини ўғитга талабчанлик даражасини аниқлаш;

суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навлари учун мақбул ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий вилояти Қизилтепа тумани «С.Куллиев» фермер хўжалигининг суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлари, Тошкент вилояти Қибрай тумани Тошкент давлат аграр университетининг «Ўқув тажриба ва илмий тадқиқот станцияси»да тарқалган типик бўз тупроқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилган тупроқларнинг механик таркиби, сув–физик, агрокимёвий хоссалари, минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари, кузги буғдойнинг Половчанка, Ҳосилдор (Санзар–8), Таня, Замин–1 ва Краснодарская–99 навлари ва уларнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили, дон ва ноннинг сифат кўрсаткичлари, фотосинтез фаоллиги, ферментлар жадаллиги, тупроқ ва ўсимликда озика элементлар миқдори ва ўғитларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибаларини қўйиш, фенологик кузатишлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш ва кимёвий таҳлили, ҳосилдорликни аниқлаш, олинган маълумотларни вариацион статистик таҳлил қилиш «Методика полевого опыта», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» бўйича, кузги буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичлари «Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган хом ашё ва материаллар», ўсимлик баргида фотосинтез (интенсивлиги) фаоллиги «Флюоресцентные методы контроля фотосинтетических процессов преобразования солнечной энергии» бўйича, ўсимлик органларида ферментлар жадаллиги «Быстрый метод определения активности пероксидазы» ва «Активность полифенолоксидазы определяли в соответствии с методом» асосида ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навлари учун мақбул ўғит қўллаш тизими ишлаб чиқилган;

тупроқнинг агрокимёвий хоссалари, қўлланилган ўғит меъёрлари билан кузги буғдой ҳосили ўртасида корелляцияцион боғлиқлик аниқланган;

кузги буғдой навларининг потенциал имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда унинг ўғитларга талабчанлиги аниқланган;

ўғитларни табақалаштириб қўллаш натижасида кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланганлиги ҳамда озик моддаларни кўп тўплаганлиги аниқланган;

мақбул ўғит қўллаш асосида кузги буғдой ҳосили билан ўғитлар самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

нав–тупроқ-ўғит тизимида кузги буғдойнинг озикланиш хусусиятини физиологик ва биокимёвий жиҳатларга боғлиқлиги исботланган;

ўғитларни мақбул меъёрларда табақалаб қўлланилганда кузги буғдой дони ва ун сифати яхшиланиб, ноннинг сифат даражаси ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га меъёрларда Половчанка навидан 70,17 ц/га олинган бўлса, суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдойнинг Ҳосилдор, ва Замин–1 навларига нисбатан энг кўп дон ҳосили (соф ҳолдаги) $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрларда Таня навидан 80,18 ц/га, Краснодарская–99 навидан 76,38 ц/га ва (соф ҳолда) $N_{200}P_{150}K_{150}$ кг/га меъёрларда Половчанка навидан 82,32 ц/га дон ҳосили олинган;

суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида энг мақбул ўғит меъёрлари (соф ҳолда) $N_{200}P_{200}K_{200}$ кг/га қўлланилганда Ҳосилдор (Санзар–8) навида ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида энг мақбул ўғит меъёрлари (соф ҳолда) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда Замин-1 навида доннинг ташқи (доннинг шакли, ранги,

ялтироклиги (шаффофлиги)) белгилари ва ундан ёпилган ноннинг сифат (органолептик, физик–кимёвий) кўрсаткичлари яхшиланган;

мақбул ўғит меъёрлари таъсирида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, озик моддалар тўплаши, дон ҳосили ва дон сифати яхшиланиб, ўғитлар самарадорлигининг ошиши таъминланган.

Шунингдек, ишлаб чиқилган мақбул ўғит қўллаш тизими асосида кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишда фойдаланиш мумкин. Минерал ўғитларни мақбул меъёрда қўллаш, улардан самарали фойдаланиш, тупроқларнинг экологик ҳолатини яхшилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда, вариацион-статистик усулларда ўтказилганлиги, кузги буғдой ҳосилдорлигини тупроқнинг агрокимёвий хоссалари, нав хусусиятлари ва қўлланилган ўғит меъёрлари ўртасида корелляция боғлиқлиги аниқланганлиги, олинган натижаларни мутахассислар томонидан таққослаб баҳоланганлиги, ўрганилган тупроқлар шароитида кузги буғдойдан олинган юқори ва сифатли дон ҳосилини шакллантирган мақбул ўғит меъёрларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Таня, Ҳосилдор, Половчанка, Замин–1, Краснодарская–99 навларнинг озикланиш хусусиятлари ўрганилганлиги, навнинг потенциал маҳсулдорлигидан тўлиқ фойдаланилганлиги, ўсимликлар физиологик, биокимёвий (фотосинтез фаоллиги ва ферментлар жадаллиги) жараёнларини ўғит меъёрларига боғлиқлиги, дон, ун ва нон сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқларда етиштирилган кузги буғдойнинг экиш меъёри, муддати, юқори дон ҳосилини шакллантирган ўғит меъёрлари, қўллаш муддатлари, ўғитнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган, ишлаб чиқилган мақбул ўғит қўллаш тизимини фермерларга тавсия қилинганлиги тадқиқот натижаларининг амалий томонини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой ҳосилини оширишга минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида гектарига (соф ҳолда) $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида гектарига (соф ҳолда) $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг миқдорида мақбул ўғит қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017

йил 24 августдаги 07/23–657–сон маълумотномаси). Ушбу ўғитлаш меъёрларини амалиётга қўллаш ўрганилган тупроқларда кузги буғдойдан юқори ҳосил олишга хизмат қилган;

кузги буғдой ҳосилини ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақбул ўғит меъёрлари 2006–2007 йилларда Навоий вилоятининг суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқларида 2125 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 07/23–657–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойнинг Половчанка навидан (юқоридаги ўғит меъёрлари қўлланилмаган шароитдаги ҳосилга нисбатан) ўртача 7–9 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

кузги буғдой ҳосилини ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақбул ўғит меъёрлари 2015–2016 йилларда Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида 200 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 07/23–657–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойнинг Таня навидан (юқоридаги ўғит меъёрлари қўлланилмаган шароитдаги ҳосилга нисбатан) ўртача 7–9 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро (Россиянинг Самара шаҳрида 2016 йилда, Чехиянинг Прага шаҳрида 2016 йилда, Россиянинг Волгоград шаҳрида 2016 йилда) ва 12 та республика (Самарқанд шаҳрида 2009 йилда, Тошкент шаҳрида 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2017 йилларда, Бухоро шаҳрида 2015, 2016 йилларда) илмий-амалий анжуманларида ҳамда институтдаги Агрокимё бўлимининг кенгайтирилган кўшма йиғилишида тингланиб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 15 таси республика, 1 та хорижий журналда ва ҳаммуаллифликда 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 8 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойни минерал озиклантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий манбалар шарҳи» деб номланган биринчи бобида чет эл, Республика олимларининг илмий тадқиқот натижалари таҳлили келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазибаларидан келиб чиқиб, боб икки қисмга: «Кузги буғдойнинг минерал озикланишини, тупроқ-иқлим шароитлари ва нав хусусиятларига боғлиқлиги» ва «Кузги буғдойдан юқори ҳосил шакллантиришда ўғитларнинг самарадорлиги» номли бўлимларга ажратилган.

Турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштирилган кузги буғдой навлари, минерал ўғитларнинг нав билан боғлиқлиги каби турли дала тажрибаларининг натижалари келтирилган.

Республика ва чет эл олимларнинг ишларида кузги буғдойнинг генотипик хусусиятлари, қўлланиладиган ўғитларнинг тупроқлар ва ўсимлик таркибидаги озик элементларга бўлган таъсири, ҳар бир кузги буғдой нави учун мақбул ўғит меъёрини аниқлаш, ўғит самарасини ошириш, ҳар бир тупроқда экилаётган навнинг ўғит меъёрларини ўсимлик талабига мослаштириш, уни қўллаш муддатларини ишлаб чиқиш дала тажрибалар шароитида чуқур ўрганилмаган.

Дала тадқиқотларида ҳар бир аниқ тупроқ шароити учун кузги буғдой навининг талабидан келиб чиқиб суғориш ва ўғит қўллаш муддати ва меъёри аниқланиши билан бир қаторда тупроқ, навлар ва ўғитнинг самарадорлиги ошиши, тупроқнинг ва ҳар бир навнинг потенциал маҳсулдорлигидан фойдаланиш имконияти яратилиши, турли тупроқ–иқлим шароитига мос, ўрганилган кузги буғдой нави учун илмий асосланган ўғит қўллаш меъёрларини белгиловчи тизим яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш баён этилган.

Диссертациянинг «Тажрибалар ўтказилган ҳудуднинг табиий–географик шароитлари ва тупроқлар тавсифи» деб номланган иккинчи бобида иккита дала тадқиқотлари ўтказилган 2 хил типдаги (суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз) тупроқларда, жойлашган ҳудуднинг географик ўрни, геологик тузилиши (район)га ва геоморфологик жойлашиши, иқлими, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси, инсоннинг табиатга кўрсатган таъсири, тупроқлари, унинг механик таркиби, сув-физик ва агрохимёвий хоссалари келтирилган.

Суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқлар Маликчўл ҳудудига киради. У чўл минтақасида жойлашган бўлиб, Зарафшон водийсининг ғарбий қисми паст текисликлари ҳамда Қизилқум чўлининг шарқий қисмидаги ҳудудларни эгаллайди. Маликчўл ҳудудидан Зарафшон дарёсининг қадимдан оқиб ўтганлиги тупроқ типи ва типчаларини ўзгартириб келган. Маликчўл рельеф шакллари, 3 та геоморфологик тузилишга эга: Зарафшон дарёсининг I терассаси; Зарафшон дарёсининг II терассаси; Офтобачи платосининг ўзан шаклидаги бурилиш жойи. Тадқиқотлар ўтказилган суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқлар учинчи геоморфологик тузилишда олиб борилган. Тупроқнинг механик таркиби енгил кумоқли. Тупроқ қатламларида ҳар хил тошлар учраб туради, бу эса сув ўтказувчанлик қобилятининг

шаклланишига шароит яратган. Ер ости суви чуқурлиги 155–160 см атрофида бўлиб, сувлари жуда кам шўрланган, шу туфайли сувда эрийдиган тузлар ва озика элементларининг пастга ювилиб кетиши вужудга келган. Тупроқлар кучсиз даражада Cl^- ва SO_4^{2-} анионларининг тузлари билан шўрланган. Қуруқ қолдиқ 1,70 г/л ни ташкил қилган.

Ўрганилган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида (0–24 см) гумус 1,09 % ни ташкил этган ва пастки ҳайдалма ости қатламида (24–40 см) унинг миқдори 0,72 % гача камайганлиги кузатилган. Умумий азот миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларда, мос равишда, 0,095 ва 0,062 % ни, умумий фосфор 0,118 ва 0,153 % ва умумий калий эса 1,1 ва 1,3 % ни ташкил қилган.

Таҷриба ўтказилган тупроқлар ҳаракатчан шаклдаги асосий озика элементлар билан кам таъминланганлиги кузатилди. Ҳаракатчан шаклдаги азот ($N-NO_3$) миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларда, мос равишда 11,4 ва 11,6 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор миқдори 20,5 ва 24,2, ҳаракатчан калий миқдори 100,1 ва 106,8 мг/кг атрофида бўлиши аниқланган.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар Чирчиқ дарёсининг ўрта оқими III–террасасида жойлашган. Дала таҷрибаси олиб борилган майдон Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳудудида жойлашган, денгиз сатҳидан 486 м баландликда, $41^{\circ} 11^{11}$ шимолий кенгликда ва $38^{\circ} 31^{11}$ шарқий узокликда, Чирчиқ дарёсининг 4 ва 5–қайир усти, кенг тўлқинсимон террасаси ҳисобланади. Чирчиқ дарёси ҳосил қилган биринчи, иккинчи ва учинчи аллювиал пиллапоялар ҳамда вақтинча оқадиган мавсумий сойлар ҳосил қилган пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган. Тупроқлар механик таркиби бўйича ўрта қумоқли. Ҳайдалма қатламда, тупроқнинг ғоваклилиги, ўсимлик илдизлари, ер ости ҳашарот ва ёмғир чувалчанги излари кўп бўлиб, ҳайдалма пастки қатламларда камайиб борган. Тупроқ шўрланмаган. Ер ости сизот сувлари чуқур жойлашиб, 5–8 метр атрофида ўзгариб туради. Ҳайдалма қатламда гумус миқдори 1,54 фоизни ташкил этган. Юқоридан пастга қараб саёзлашиб, ҳайдов ости (30–56 см) қатламда гумус 1,23 % ни ташкил қилган.

Тупроқдаги умумий азот миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида, мос равишда, 0,130 ва 0,110 %, умумий фосфор 0,152 ва 0,134 % ва умумий калий 1,60 ва 1,78 % миқдорда аниқланган.

Азотни нитрат шаклдаги миқдори ўртача бўлиб, ҳайдалма қатламда 36,5 ва 30,4 мг/кг, ҳаракатчан фосфор миқдори 37,0 ва 11,8 мг/кг, ҳаракатчан калий миқдори 278,7 ва 200,8 мг/кг ни ташкил этган. Фосфор билан кам, ҳаракатчан шаклдаги калий билан ўртача таъминланганлиги кузатилган.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги $1,29-1,31$ г/см³ ни ташкил этган. Бу тупроқда сизот сувлари чуқур жойлашган, тупроқлар шўрланмаганлиги, ўғит шудгор остида қўллаганда ўсимлик самарали фойдалана олиши аниқланган.

Ҳар бир ҳудуднинг табиий–географик шароитларга, айниқса тупроқ ҳосил бўлиши, морфологик, физикавий, агрокимёвий хоссаларини ўзгаришига ўғитлар таъсири бўлган. Ерларни ўзлаштириш, ерга ишлов бериш, экин экиш, ўғит бериш, суғоришлар таъсирида тупроқ профилида агроирригацион қатлам пайдо бўлган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг ўғит қўллаш тизими ва қўлланилган услублар» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ишларини бажариш давомида дала тажрибалари ўтказилган объектлар ва услублари келтирилган.

Дала тадқиқотлари 3 та ўғит қўллаш схемада олиб борилган. Биринчи схемада, дала тадқиқотлари 2003–2006 йилларда Навоий вилояти Қизилтепа тумани «С.Куллиев» фермер хўжалигининг суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Половчанка, Ҳосилдор (Санзар–8) навлари билан дала тажрибаси ўтказилган (1–жадвал).

1-жадвал

Суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдой учун ўғит қўллаш схемаси, кг/ га

№	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри			Шудгор остида			Экиш даврида			Тупланиш даврида			Бошоқ лаш даврида	Сут-мум пишиш даврида
	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	N
1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2	200	0	0	30	0	0	30	0	0	40	0	0	50	50
3	200	200	0	30	120	0	30	40	0	40	40	0	50	50
4	200	200	140	30	120	70	30	40	30	40	40	40	50	50
5	200	200	200	30	120	100	30	40	50	40	40	50	50	50
6	250	200	200	40	120	100	40	40	50	50	40	50	60	60
7	250	250	200	40	150	100	40	50	50	50	50	50	60	60
8	250	250	250	40	150	125	40	50	60	50	50	65	60	60
9	300	250	250	50	150	125	50	50	60	60	60	65	70	70

Тажрибада ҳар бир нав 9 вариант 4 қайтариқда олиб борилди. Умумий ҳар бир вариант қайтарилиши 240 м². Ўрганилувчи вариантнинг кенглиги 3,6 м, узунлиги 49 м. Ҳар бир вариант қайтарилиши 176,4 м². Тажрибанинг умумий майдони 17280 м².

Тажрибада қуйидаги минерал ўғитлар: аммиакли селитра N–34 %, аммофос N–11 %, P₂O₅–46 % ва калий хлор K₂O–60 % қўлланилган. Дала нам сифими, яъни тупроқ намлиги 70–70–70 % ЧДНС га нисбатан олиб борилган.

2011–2015 йилларда дала тажрибалари Тошкент вилояти Қибрай тумани Тошкент Давлат аграр университетининг (ТошДАУ) «Ўқув тажриба ва илмий-тадқиқот станцияси»да тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида 2 схемада; биринчиси, ўғит қўллаш схемада кузги буғдойнинг Таня, Ҳосилдор ва Половчанка навлари билан ва иккинчи ўғит қўллаш схемада Таня, Замин–1 ва Краснодарская–99 навлари билан дала тадқиқотлари ўтказилган (2–жадвал).

Дала тажрибаси 8 вариант, 3 қайтариқда олиб борилган. Умумий вариантнинг кенглиги 3,6 метр, қайтариқ узунлиги 16 метр. Ҳар бир вариант қайтариғи 57,6 м² тенг. Тажриба даласининг умумий майдони 5702,4 м² тенг. Ўрганилувчи вариантнинг кенглиги 2,4 м, узунлиги 15 м. Ҳар бир вариант қайтарилиши 36,0 м² тенг.

Дала нам сиғими, яъни тупроқ намлиги 70–70–70 % ЧДНС га нисбатан олиб борилган. Сув қуйидаги: экишдан олдин, экиш, униб чиқиш, тупланиш, найчалаш ва сут-мум пишиш даврларида берилган. Тажрибада аммиакли селитра N–34 %, аммофос N–11 %, P₂O₅–46 % ва калий хлор K₂O–60 % минерал ўғитлари қўлланилган.

2-жадвал

Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдой учун ўғит қўллаш схемаси, кг/ га

№	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри			Шудгор остида		Экиш даврида			Тупланиш даврида	Найчалаш даврида	Сут-мум пишиш даврида
	N	P	K	P	K	N	P	K	N	N	N
1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	150	100	50	70	25	30	30	25	50	50	20
3	200	100	50	70	25	40	30	25	60	70	30
4	200	100	100	70	50	40	30	50	60	70	30
5	200	150	100	100	50	40	50	50	60	70	30
6	200	150	150	100	100	40	50	50	60	70	30
7	250	150	150	100	100	50	50	50	70	90	40
8	250	200	150	140	100	50	60	50	70	90	40

Тупроқда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС)га нисбатан 60 ва 70 % ли намликни ушлаб туришни ҳисобга олиб, дала тажриба 5 вариант, 3 қайтариқда олиб борилган (3–жадвал).

Умумий вариантнинг кенлиги 3,6 метр, қайтариқ узунлиги 16 метр. Ҳар бир вариант қайтариғи 57,6 м² га тенг. Умумий майдон 5356,8 м² га тенг. Ўрганилувчи вариантнинг кенлиги 2,4 м, узунлиги 15 м. Ҳар бир вариант қайтарилиши 36,0 м² га тенг.

Дала тадқиқотларида карбамид N–46 %, аммофос N–11 %, P₂O₅–46 % ва калий хлор K₂O–60 % минерал ўғитлар қўлланилган.

Дала тажрибасини ўтказиш, тупроқ, ўсимлик намуналарини олиш, таҳлил қилиш, кузги буғдойда фенологик кузатишлар ўтказиш, ўсимликни суғориш бўйича тажрибалар қўйиш, дала нам сиғими ва ўтказиш хусусиятлари, олинган маълумотларга вариацион статистик услубда математик ишлов бериш Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма бўйича таҳлил қилинган (2007).

Гумус миқдори И.В.Тюрин усули билан (ГОСТ–26213); ялпи азот Кьельдаль усули билан; фосфор ва калий бир намунада Мешеряков усули билан; ҳаракатчан (нитратли) азотни Гранвальд-Ляжу усули билан; ҳаракатчан фосфор 1 % аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усули билан; алмашинувчи калий оловли фотоколориметрда П.В.Протасов усули билан; тупроқнинг кимёвий, физикавий таҳлиллари, сувда эрувчи тузларни аниқлаш (СоюзНИХИ, 1963, 1977), ўсимлик таҳлиллари умумий N, P ва K битта намунасида (К.Гинзберг, Щеглова, Е.Вульфиус) усуллари билан; кузги

буғдойда минерал ўғитларнинг иктисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усули билан (1980); дон сифати, дон сифатини аниқлаш доннинг ифлосланганлик даражаси, шаффофлиги ва натураси ГОСТ–9353-84, клейковина миқдори ГОСТ 13586–1–68 ва ТУ-Ўз 8–115-97 усули билан; барг сатҳи, ўсиш динамикаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги А.А.Ничипорович (1961) ва Э.А.Зохидов (2015) усуллари билан; ўсимлик органларида ферментлар фаоллиги А.Н.Бояркин (1951) ва Ф.Х.Хазиев (1983) услуги асосида ўрганилган.

3-жадвал

Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдой учун ўғит қўллаш схемаси, кг/ га

(дала нам сифимига нисбатан 60 ва 70 % ли намлик ҳисобга олинган)

№	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри	Шудгор ости		Экиш даври			Тупланиш даври			Найчаланаш даври	Сут-мум пишиш даври	
		Р	К	Н	Р	К	Н	Р	К			
1	N–0 P–0 K–0	Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 60 % сув қолганда										
		-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
		Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 70 % сув қолганда										
		-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	N–200 P–100 K–100	Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 60 % сув қолганда										
		60	60	30	20	20	60	20	20	80	30	
		Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 70 % сув қолганда										
		60	60	30	20	20	60	20	20	80	30	
3	N–200 P–140 K–100	Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 60 % сув қолганда										
		80	60	30	30	20	60	30	20	80	30	
		Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 70 % сув қолганда										
		80	60	30	30	20	60	30	20	80	30	
4	N–250 P–125 K–125	Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 60 % сув қолганда										
		80	70	40	25	35	75	20	20	100	35	
		Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 70 % сув қолганда										
		80	70	40	25	35	75	20	20	100	35	
5	N–250 P–175 K–125	Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 60 % сув қолганда										
		90	70	40	45	35	75	40	20	100	35	
		Суғориш тупроқда дала нам сифимидан 70 % сув қолганда										
		90	70	40	45	35	75	40	20	100	35	

Диссертациянинг «Кузги буғдой навларининг ўсиши ва ривожланишига ўғитларнинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобда, суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва типик бўз тупроқларида кузги буғдойлар уруғларининг униб–чиқиши ва майсаланиши, тупланиши, найчаланиши, бошоқлар шаклланиши, донининг сут–мум пишиши, кузги буғдойларда ҳосил структураси элементлари, ҳосил шаклланиши ва курук масса тўплашига ўғитлар меъёрларининг таъсири келтирилган.

Дала тадқиқотлари ўтказилган суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой уруғлари ҳар йили октябрь ойида экилган. Минерал ўғитларнинг турли меъёри ва нисбати фонидида кузги буғдой уруғлари униб чиқиб ҳар-хил майсалаши кузатилган. Суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқларда кузги буғдойнинг Ҳосилдор (Санзар-8) нави, Половчанка навиға нисбатан барча назорат ва ўғит қўлланилган вариантларда 3–4 кунга эрта униб чиқиб, майсалаши аниқланган. Ҳосилдор (Санзар-8) нави $N_{200}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида тезроқ униб чиққан бўлса, Половчанка нави $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида вақтида униб чиқиб, майсалаши маълум бўлган.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилган тадқиқотларда ҳам кузги буғдойнинг Ҳосилдор ва Замин-1 навлари, Половчанка, Таня ва Краснодарская-99 навларига нисбатан 2–3 кун олдин униб чиқиб, майсалаган. Вариантларда энг яхши униб чиқиш ва майсалаши Ҳосилдор нави (соф ҳолда) $N_{200}P_{100}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрида, Замин-1 нави (соф ҳолда) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрида, Половчанка нави (соф ҳолда) $N_{250}P_{150}K_{150}$ кг/га ўғит меъёрида, Таня ва Краснодарская-99 навлари эса (соф ҳолда) $N_{200}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёри қўлланилганда тўлиқ униб чиқиб, майсалаши кузатилган.


Кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, асосан ўсимлик нави ва озика элементлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқлиги аниқланган. Ҳосил структураси яхши шаклланган вариантда кузги буғдой юқори миқдорда қуруқ масса тўплаганлиги ва дон ҳосилини юқори бўлганлиги кузатилган.

Суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Половчанка навида ҳосил структураси яхши шаклланиб, дон ҳосили ҳам юқори бўлган. Половчанка нави (соф ҳолда) $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида 70,17 ц/га юқори дон ҳосилини, Ҳосилдор (Санзар-8) нави (соф ҳолда) $N_{200}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида 62,44 ц/га дон ҳосилини шакллантирган бўлиб, назорат ва бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).

Суғориладиган типик бўз тупроқларда ўтказилган тадқиқотларда ҳам кузги буғдой навларининг ҳосил структураси, дон ҳосилининг шаклланиши, тупроқ намлиги, ўғит меъёрлари таъсирида ўзгарган.

Кузги буғдойнинг Таня, Краснодарская-99 ва Половчанка навларининг, Ҳосилдор ва Замин-1 навларига нисбатан ўғит меъёрларига талабчанлиги аниқланган.

Назорат ва бошқа вариантларга нисбатан (соф ҳолда) $N_{200}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёрида Таня нави 80,18 ва Краснодарская-99 нави 76,38 ц/га дон ҳосилини, Половчанка нави (соф ҳолда) $N_{250}P_{150}K_{150}$ кг/га ўғит меъёрида 82,32 ц/га юқори дон ҳосилини, Ҳосилдор нави (соф ҳолда) $N_{200}P_{100}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрида, 71,46 дон ҳосилини, Замин-1 нави эса (соф ҳолда) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрида 70,60 ц/га дон ҳосилини, шакллантирган.



1-расм. Суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқларда етиштирилган кузги буғдой ҳосилдорлиги, ц/га (2004–2006 й.й).

Диссертациянинг «Кузги буғдой дон ҳосилини математик таҳлил қилиш асосида олинган маълумотлар ишончлигини аниқлаш» деб номланган параграфида; дала тадқиқотлари ўтказилган суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи ва суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили агрономик кўрсаткичлар асосида навларни минерал ўғитларга талабчанлигини таҳлил қилиш Б.А.Доспехов усули бўйича бажарилган (1985).

Суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқларда етиштирилган кузги буғдойнинг Половчанка нави ва Ҳосилдор (Санзар–8) навлари орасидаги агрономик талаби бир-биридан анча фарқ қилиши маълум бўлган. 2004-2006 йиллар дон ҳосили ўртача маълумотларида, кузги буғдойнинг Половчанка навида 0,94 ц/га, 1,7 % ва Ҳосилдор (Санзар–8) нави 1,38 ц/га, 3,1 % га фарқ қилган. Навлар ўртасида тажриба маълумотлари ишончилиги 90 % дан кам бўлмаган. Кузги буғдойнинг Половчанка нави (соф ҳолда) $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида талабчанлиги юқори бўлиши маълум бўлган, Ҳосилдор (Санзар–8) навида эса (соф ҳолда) $N_{200}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида аниқланган.

Суғориладиган типик бўз тупроқларда етиштирилган Тая, Замин–1 ва Краснодарская–99 навларида дон ҳосили статистик таҳлил асосида ўрганилганда, ҳар бир кузги буғдой нави вариантлар ва қайтариқлар бўйича фарқ ва маълум хатоликлар аниқланган: Тая навида 1,2 ц/га ёки 1,8 % ни, Замин-1 навида 2,0 ц/га ёки 2,5 % ни, Краснодарская–99 навида 1,6 ц/га ёки 2,1 % ни ташкил қилган. Тажриба маълумотлари ишончилиги 92 %. Тая, Краснодарская–99 навларини $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёрларида талабчанлиги юқори бўлиши маълум бўлган, Замин–1 нави эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари ва кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори таъсири**» деб номланган бешинчи бобида ўрганилган тупроқларда ҳаракатчан ва умумий шаклдаги NPK миқдорлари ва кузги буғдой озика таркибига ўғитларнинг таъсири аниқланганлиги баён қилинган.

Тадқиқотлар ўтказилган суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқларда озика элементлар миқдори ўрганилганда, кузги буғдойнинг вегетация бошида Ҳосилдор (Санзар–8) нави ўсган тупроқда азот, фосфор ва калий миқдорлари камроқ, Половчанка нави ўсиб ривожланган тупроқда эса нисбатан кўпроқлиги, вегетациянинг охирида эса, бунинг акси аниқланган. Айниқса, ўғит қўлланилган меъёрлар солиштирилганда, ўғитга нисбатан тупроқда озика элементлар нисбатан кўпроқ камайиши Половчанка навида $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёри қўлланилганда кузатилган.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида озика элементлар миқдори ўрганилган кузги буғдойнинг вегетация бошида Ҳосилдор ва Замин–1 нави ўсиб, ривожланган тупроқда азот, фосфор ва калий миқдорлари камроқлиги аниқланган. Тупроқда азот, фосфор ва калий миқдори вегетация даврининг охирида вегетация даврининг бошига нисбатан Половчанка, Таня ва Краснодарская–99 навлари ўсиб ривожланган тупроқларда озика элементлари миқдори кам бўлган. Тупроқда нитрат шаклдаги азот, фосфор ва калий миқдорларига нисбатан катта фарқ ўзгариб бориши кузатилган. Ўғит қўлланилган меъёрлари солиштирилганда, ўғитга нисбатан тупроқда озика элементлар камайиши Половчанка навининг (соф ҳолда) $N_{250}P_{150}K_{150}$ кг/га ўғит меъёри ва Краснодарская–99, Таня навларининг (соф ҳолда) $N_{200}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёрида аниқланган.

Суғориладиган сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқларда вегетациянинг бошланишида кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори камайиб борган. Бу жараён кузги буғдойнинг Ҳосилдор (Санзар–8) навида эртароқ бошланганлиги кузатилган. Половчанка навининг таркибида вегетациянинг бошидан охиригача азот ва калийнинг кўп бўлиши аниқланган. Ҳосилдор нави таркибида эса доимий фосфорнинг миқдори нисбатан кўпроқ бўлган. Шу сабабли барча вариантларда ҳам Ҳосилдор нави, Половчанка навига нисбатан дон 3–4 кун олдин етилган. Вариантлар бўйича солиштирилганда, озик элементлар миқдорининг камайиши, кўпроқ Половчанка навида (соф ҳолда) $N_{250}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёрида кузатилган.

Суғориладиган типик бўз тупроқларда вегетациянинг бошланишида кузги буғдой таркибидаги озика элементлар миқдори камайиб борган. Айниқса, кузги буғдойнинг Ҳосилдор ва Замин–1 навида эртароқ бошланган. Таня, Краснодарская–99 ва Половчанка навларининг таркибида вегетациянинг бошидан охиригача азот ва калийнинг миқдори юқори бўлиши аниқланган. Ҳосилдор ва Замин–1 навлари таркибида эса доимий фосфорнинг нисбатан юқори бўлиши маълум бўлди. Половчанка навининг (соф ҳолда) $N_{250}P_{150}K_{150}$ кг/га ўғит меъёрида ва Краснодарская–99, Таня навларининг (соф ҳолда) $N_{200}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёрида озика элементлар миқдорининг камайиб бориши аниқланган.

Диссертациянинг «Нав–тупроқ–ўғит тизимида кузги буғдойнинг озикланиш хусусиятини физиологик, биокимёвий жиҳатлари» деб номланган олтинчи бобида кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиш даврида ўғитларни фотосинтез фаоллигига таъсири (2–расм), кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиш даврида ўғитларни ферментлар жадаллигига таъсири кўрсатиши ва кузги буғдой дони, ундан ёпилган нон сифатининг нав, ўғит меъёрларига боғлиқлиги ёритилган.




Кузги буғдойларнинг ўсимлик хужайраларида махсус механизм бўлиб, ёруғлик энергиясини кимёвий энергияга айлантириши ва унинг ҳисобига органик бирикмаларнинг синтезланиши, ҳар бир кузги буғдой навида турли ўғит фонида бу жараёнларнинг юзага келиши кузатилган. Кузги буғдой органларида озика элементлари етарли бўлганда ферментлар жадаллашган. Кузги буғдойнинг вегетация даврининг бошидан охирига қадар асосан тупланиш, найчалаш, бошоқлаш ва сут–мум пишиш даврларида ферментлар жадаллашиб бориши, пероксидаза ферментини ўғит қўлланилган вариантда жадаллашиб, водород пероксиднинг парчаланишини жадаллаштирган. Пероксидаза ферменти, ўсимлик нафас олишини таъминлаганлиги, ўсимлик таркибида намлик, озика моддалар етарли бўлганда полифенолпероксидаза ферментининг жадалланиши кузатилган.

Тадқиқотлар ўтказилган суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдойларда фотосинтез фаоллиги ва ферментлар жадаллиги Половчанка, Таня ва Краснодарская–99 навларида жадал, Ҳосилдор ва Замин-1 навларида анча суст кечиши маълум бўлган. Бу ҳолат ҳар бир навнинг генотипик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, Половчанка навида (соф ҳолда) $N_{250}P_{150}K_{150}$ кг/га ўғит меъёрида, Таня, Краснодарская–99 навларида (соф ҳолда) $N_{200}P_{175}K_{125}$ кг/га ўғит меъёрида аниқланган.

Доннинг сифати, дон таркибидаги оксил миқдорлари билан боғлиқ бўлиб, уни кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Дон таркибида тўпланадиган оксил миқдори юқори бўлганда, клейковинанинг миқдори ҳам ошган. Клейковина миқдори, кўпроқ азотли озика элементларга боғлиқ экан. Оксиллар миқдорини кўпайиши, дон сифатининг ошиши, буғдой унининг физик–кимёвий кўрсаткичлари яхшиланишида, ундан тайёрланган нон махсулотларини янада сифатли чиқишига дон таркибидаги фосфор ва калий озика элементларининг аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижалари солиштирилганда, суғориладиган сур тусли кўнғир ўтлоқи тупроқлар шароитида (соф ҳолда) $N_{200}P_{200}K_{200}$ кг/га ўғит меъёри табақалаб қўлланилганда, кузги буғдойнинг Половчанка навида нисбатан кузги буғдойнинг Ҳосилдор (Санзар–8) навининг дон ва ун сифати, ундан тайёрланган нон сифати яхшиланган.

Суғориладиган типик бўз тупроқда ўтказилган тадқиқотларда кузги буғдойнинг Половчанка, Таня ва Краснодарская-99 навларига нисбатан кузги буғдойнинг Ҳосилдор ва Замин–1 навининг дон ва уни, ундан тайёрланган нон сифати яхшиланди. Бу кўрсаткич Ҳосилдор навида (соф ҳолда) $N_{200}P_{100}K_{100}$ кг/га ўғит меъёрида ва Замин–1 навида (соф ҳолда) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилган ўғит меъёрида кузатилган.



2-расм. Кузги бугдойнинг ўсиш ва ривожланиш даврида ўғитларнинг фотосинтез фаоллигига таъсири, % (2015 йил)

